



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXasr@yahoo.com, web sayt: www.2tasr.uz

2013 йил 17 октябрь, пайшанба, 42 (518)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ишбилармонларнинг янги авлоди майдонга чиқмоқда

3 ДАВЛАТ ДАСТУРИ



Ватан равнақига дахлдорлик

5 ҚҲҲИ БЎҒИНЛАРДА



Сиз қайси банкни танлайсиз?

6 БАНК ТИЗИМИ

Президент Латвияга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшининг таклифига биноан 2013 йил 16 октябрь кунини давлат ташрифи билан Латвияга жўнаб кетди



Учрашувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожланти-

рини масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади. Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарла-

рининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган катор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ў.А.



О'zLiDeP фракциясининг партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган навбатдаги тадбирида хусусий сектор вакиллари суд орқали ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Президенти Рига шаҳрига келди

РИГА, 16 октябрь. Ў.А. махсус мухбири Ашвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшининг таклифига биноан 16 октябрь кунини давлат ташрифи билан Латвияга келди

Рига халқаро аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қорувол саф тортиди.

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон-Латвия сиёсий мулоқотлари доирасида ўтаётган ушбу ташриф икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларининг бугунги ҳолатини атрофлича муҳокама қилиши ва узок муддатли асосдаги

Бош вазир Валдис Домбровскис билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

Давлат ташрифи дастурига мувофиқ унинг асосий тадбирлари 17 октябрга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, ташриф якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги сериёрра муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган кўп томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Латвия Президенти Андрис Берзинь, Латвия Сейми Спикери Солвита Аболтиня,

Ў.А.

СТМ фаолияти қандай натижа берапти?

2012 йили О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги «Сиёсий таълим маркази»да таҳсил олган 120 нафардан ортиқ ёш кадрларнинг 30 дан ортиғи турли раҳбарлик лавозимига тайинландилар

Албатта, бундай маълумотлар СТМ фаолиятидаги кадрлар тайёрлаш, улар малакасини ошириш масалаларида муайян натижаларга эришилганлигини кўрсатади. О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши «Сиёсий таълим маркази» раҳбари Жамила Сайфидинованинг маълум қилишича, марказ мутахассислари томонидан олиб борилаётган турли ўқувлар, семинар-тренинглари, энг аввало, О'zLiDePнинг истиқболли кадрлар захирасини мустаҳкамлаш имконини берапти. Мана, бир мисол. Пастдарғон туман Молия бўлими мутахассиси вазифасида ишлаган депутат Қулмир-

за Қаршиев СТМда ўз малакасини оширганидан кейин туман Пенсия жамғармаси раислигига тайинланди. Яна бир депутат Раҳматилла Шодиев Пайарик туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимига иш бошлади. Шу ўринда 2013 йилнинг ўтган даврида СТМ томонидан уюштирилган тадбирларда маҳаллий кенгаш депутатларидан 199 нафар, бошланғич ташкилот раҳбарларидан 736, партия фаолларидан 1532 нафари катнашиб, истиқболли кадрлар захирасига олинганини таъкидлаш лозим.

4 >>>

Маълумки, кейинги пайтларда фракция фаолиятида фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш жараёнига соҳа вакиллари жалб этилиши, муҳокама қилиниши билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида аниқ таклифлар тайёрлаш амалиёти-

дан кенг фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг ўтган давридагина 50 дан зиёд ана шундай тадбир ўтказилиб, уларда электротариф манфаатига дахлдор бўлган ўнлаб қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов

навбатдаги мулоқот «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиши янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланганини, унинг айнан «тадбиркорлар, экспертлар, фуқаро-

лик жамияти институтлари ва депутатлар» форматда ташкил этилиши мазкур ҳужжатни маромига етказиш билан бирга, ишбилармон доира вакиллари билан бу борадаги фаол иштирокни таъминлаш учун ҳам яхши имконият эканини таъкидлади.

2 >>>

Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик саноатининг жаҳон бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда

Пойтахтимизда 16 октябрь кунини Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўтказиб келинаётган ананавий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатимиз иқтисодиётининг юксак рақобатбардорлиги ҳамда улкан салоҳияти-

ни ёрқин намоиши этишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда тўқимачилик марга ўтказилаётган ушбу ярмарка йиллик халқаро иқтисодий форумлардан биридир. Маъқур ярмаркада иштирок этиш учун Тошкентта дунёнинг қўнлаб дав-



латларидан пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар ташриф бурди. Улар истеъдодли ушбу муҳим тармоқни ривожлантириш, жаҳон бозорларидаги нархлар конъюктураси, халқаро ҳамкорлик йўналишлари ҳамда истиқболларини муҳокама этиди. Ўзбекистонда пахта ва тўқимачилик комплексини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини етказиб бериш бўйича бевосита шартномалар тузди.

2 >>>

«ЁШЛАР ҚОНОТИ» Пойтахтлик ёшлардан ўрнатилиш керак

2013 йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида партия сафига қабул қилинган 275 нафар янги аъзонинг 70 фоизини ёшлар ташкил этди

Бу кўрсаткич, шубҳасиз, О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлимининг тарғибот-ташвиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Маъқур бўлим аъзоларининг маълум қилишларича, ўтган давр мобайнида партия ғояларини тарғиб этиш, ёшларнинг сиёсий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш тадбиркор ва ишбилармонлар сафини кенгайтириш мақсадида 91 та тадбир ташкил этилиб, улар орқали беш мингта янги ёшлар камраб олинган.

Шу ўринда Тошкент шаҳрида 26 019 нафар партия аъзоси бўлиб, уларнинг 13 920 нафа-

рини ёшлар ташкил этаётганини ҳам алоҳида қайд этиш мумкин. Шунингдек, пойтахтимиздаги 942 та бошланғич ташкилотнинг 185 тасига 34 ёшгача бўлганлар раҳбарлик қилаётгани ҳам «Ёшлар қаноти» фаолиятининг самардорлигини дарак беради.

— Пойтахтлик тенгдошларимиз партиянинг «Диплом талаба — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда меннинг ўрним» каби лойиҳаларига жуда катта қизиқиш билдирмоқдалар, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Мастира Хантова.

4 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 15 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа маъмурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилash чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъқур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

1 Австралия доллари	▲ 2048,50
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3458,02
1 Дания кронаси	▲ 393,55
1 БАА дирҳами	▲ 589,13

1 АКШ доллари	▲ 2163,83
1 Миср фунти	▲ 314,05
1 Исландия кронаси	▲ 17,78
1 Канада доллари	▼ 2089,65

1 Хитой юани	▲ 353,83
1 Малайзия ринггити	▲ 681,09
1 Польша злотийси	▲ 701,43
1 СДР	▲ 3320,18

1 Туркия лираси	▲ 1091,30
1 Швейцария франки	▼ 2379,40
1 ЕВРО	▲ 2936,66
10 Жанубий Корейя вони	▲ 20,16

10 Япония иенаси	▼ 220,21
1 Россия рубли	▼ 67,17
1 Украина гривнаси	▲ 270,72

Ўзбекистон бугун

жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан биридир.

IX ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ВА ТЎҚИМЧИЛИК АРМАРКАСИ

Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик саноатининг жаҳон бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ярмарканинг очилиш маросимида истиқлол йилларида Ўзбекистонни жадал ривожлантириш, чунинчи, самарали ва рентабелли бозор иқтисодиётини шакллантириш борасидаги ютуқлар давлатимиз раҳбарни томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» нечоғли юксак самаралар бераётганидан далолат экани таъкидланди. 2000 йилдан буён мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти, биринчи навбатда, барча асосий тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш хисобидан 3,1 баравар ўсди. Таркибиди юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши мунтазам ортиб бораётган экспорт ҳажми шу давр мобайнида 4,4 баробар кўпайди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалик муносабатлари, жумладан, ташқи бозорда харидорлар юқори сифатли пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари савдосидати иштироки тобора кенгаймоқда. Чет эллик ишбилармонлар мамлакатимиз билан савдо, ишлаб чиқариш ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Уларни, энг аввало, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва изчил юксалиб бораётгани ўзига кенг жалб қилмоқда. 2008 йилда бошланиб, дунёнинг асарият давлатларида ишлаб чиқаришнинг пасаишига сабаб бўлган ва ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотларнинг пухта ўйлангани яна бир бор ўз тасдиғини топти. Бошқалардан фарқи равишда, мамлакатимизда Президентимиз Исом Каримов раҳномалигида глобал инқироз оқибатларининг олдини олиш ва салбий таъсири шунинг компания бўлишига ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида сўнгги олти йилда, жумладан, жорий йилда ҳам миллий иқтисодиётимизнинг ўсиши суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан ошмоқда.

Мамлакатимизда энг юқори жаҳон талабларига жавоб берадиган пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ташкил қилинган замонавий комплекс иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга хизмат қилаётган. Бундай ютуқларга давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидан солик тузумдан мерос қолган хомашё етказиб беришга йўналтирилган бир ёқлама иқтисодиётни тубдан ўзгартириш вазифасини қўйгани самарасида эришилмоқда. Иқтисодиётнинг пахта ва тўқимачилик тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур жараён илгари бўлган каби пахта майдонларини кенгайтиришнинг экстенсив услублари эмас, балки замонавий агротехнологияларни қўллаш хисобидан ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган янги пахта навларини жорий этиш, пахтакорлар — фермер ва деҳқонлар учун барча зарур моддий-техник шароитларни яратиб, уларга имтиёзли кредитлар ажратилиш ҳамда давлат харидларини таъминлашга асосланган. Чукур таркибий туб ўзгаришлар амалга оширилди, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари модернизация қилинди, техник ва технологик қайта жиҳозланди, инфратузилма жадал ривожлантирилмоқда, замонавий бозор механизмлари кенг жорий этилаётган. Мазкур ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси пахта толаси сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда пахта ни чукур қайта ишлаш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг турин ҳамда ҳажминини кўпайтириш учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда.

Иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришда Президентимиз Исом Каримов томонидан илгари суртилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш муким аҳамият касб этаётган. Ушбу ҳужжатда баён этилган қонунчилик ташаббуслари асосида бозор муносабатларининг ҳуқуқий базаси янада тақомиллаштирилмоқда ва бу мазкур муносабатларни жадал демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, миллий иқтисодиётимиз ва унинг барча тармоқлари рақобатбардорлигини янада оширишда муким омили бўлаётган.

Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон пахта толасига бўлган талаб жаҳон бозорида муттақил ортиб бораётган. Шу биле Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг хоризикл иштирокчилари сағни йил сай кенгаймоқда. Мисол учун, 2005 йилда ўтказилган ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари вакиллари катнашган бўлса, бу йилги ярмаркада дунёнинг 40 давлатидан пахта ва тўқимачилик соҳаси компанияларининг миндан зиёд вакили иштирок этмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш қўлави тобора кенгайиб, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Европа ҳамда бошқа минтақалар, жумладан, МДХ давлатларида изчиллик билан етказиб беришмоқда.

Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ҳар йил иштирок этмаган ва бу мен учун катта шараф. — дейди «Cotton Outlook» халқаро акборот агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер. — Тошкент шаҳрида ўтказилаётган ушбу ярмарка бугун халқаро пахта бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Агентлигимиз сифати барча халқаро стандартларга мос ва истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон пахтаси бўйича алоҳида котировкаларни мунтазам чоп этиб келмоқда. Ҳамон давом этаётган глобал иқтисодий инқироз сабабли жаҳон пахта бозорида юзга келаятган айрим мавқумликлар ва таҳдиқларга қарамай, Ўзбекистон унда ўзининг етакчи ўрини барқарор сақламоқда. Ил ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ортиб бораётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Бугун Ўзбекистонда селекционерларимиз томонидан яратилган хашарот ва касалликларга бардошли, мамлакатимизнинг худудлари тупрок-ислим шароитига мос, эрташарп ва серхосил, толаси узун ва тоза янги пахта навлари етиштирилмоқда. Сўнгги вақтда бундай хусусиятларга эга янги 20 хил нав раёйлаштирилди. Жорий йилда «Олий» ва «Янши» навли тола улуши 90 фоиздан ошди. Ўзбекистон пахтаси жаҳон бозорида талаб этилган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микрофайл кўрсаткичига тўла жавоб

беради. Бу борада энг илғор биотехнологиялардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу улар томонидан гўза учун яратилган дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Бу эса, ўз навбатида, чидамли хусусиятларга эга «Порлок» навларини яратиш имконини берди. Бундай навли пахта 5-10 кун аввал етилади, ҳосилдорлиги 18-30 фоиз ошади, толасининг узунлиги 40 миллиметргача, микрофайл кўрсаткичи 4,2 миллиметргача етади. Бундай технология асосида яратилган навлар сивовдан муваффақиятли ўтди. Айни пайтда ген-нокаут технологиясини бошқа кшлқок ҳўжалиги эканлари учун ҳам қўллаш борасидати ишлар амалга ошириляётган. Мазкур янгилик бугун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ярмарка бўлиб ўтаётган «Ўзэкспомарказ»да жорий йил мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта толасининг намуналари қўйилган. Тадбирда сўнгги йилларда республикамизда фаолият кўраётган барча пахта заводлари реконструкция ва модернизация қилингани самарасида тола сифати ва ишлаб чиқариш ҳажми ошгани кайд этилди. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта толаси «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертифицилаш марказининг сифат сертификатига эга. Марказ ва унинг худудий лабораторияларида тола хусусиятлари замонавий HVI юқори технологик тизим ёрдамида текширилмоқда. Истеъмолчилар бундай текширув натижаларига тўлиқ ишонди. Негаки, ушбу тизим энг юксак халқаро талабларга жавоб беради.

— Ўзбекистон пахта толаси мамлакатимизнинг тўқимачилик саноатини ривожлантиришда муким ўрин тутди, — дейди Хитойнинг йирик «Xinjiang Yiploong International Agricultural Cooperation» компанияси бошқаруви раиси В.Ян. — Ун йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаятганимизнинг ўзи Ўзбекистон нафакат олий сифатли тола ишлаб чиқараётган, балки уни ташкил этилган логистика тизми орқали ўз вақтида етказиб бераётган ишончли ҳамкор эканидан ҳам ёркин далолатдир.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А.Пичуновнинг таъкидлашича, Ўзбекистон жаҳон пахта саноатида кооперацияни рағбатлантиришда муким ўрин тутди. 1992 йилдан буён Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг аъзоси бўлган Ўзбекистон бу боралдаги халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда. Аънаваний Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ушбу ҳамкорликни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Яна шуниси муҳимки, Ўзбекистонда пахта толасини чуқур қайта ишлаш қўлави ва ҳажмлари тобора кенгаймоқда. Тўқимачилик саноати изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимизда уч юзга яқин замонавий тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хар йили янги корхоналар, шу жумладан, хоризикл ҳамкорлар иштирокида қўллаб қўлша корхоналар ишга тушириляётган, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилмоқда. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ортмоқда. Масалан, XX асрнинг 90 йилларида бу кўрсаткич мамлакатимизда ишлаб чиқариляётган толасинг атиги 7 фоизини ташкил этган бўлса, бугун 40 фоиздан ошади. Хоризикл экспертларнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичиди Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, шунингдек, катта ҳажжда хомашё, ишлаб чиқариш ва кадрлар ресурсининг мавжудлиги самарасида бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш мумкин. Бунинг учун изчил чоралар кўриляётган. Бу борада 2015 йилгача мўлжалланган Енгил саноатини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда, соҳага жалб қилинаётган инвестиция ҳажмлари ортмоқда, экспортбош ва рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида илғор технологиялар кенг жорий этилмоқда. Бундай изчил чора-тадбирлар натижасида истиқлол йилларида тармоқ маҳсулотларни экспорти ҳажми 110 баравар ошди. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатига етказиб бериляётган.

Ярмаркада Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган кенг турдаги қалава, полотно, матолар, тайёр тикувчилик буюмлари ҳам кенг намоиш этилмоқда. «Ўзбекентилсаноат» давлат акциядорлик компанияси дизайнерлик марказининг табиий матолардан тайёрланган либослар моделларининг намоишнинг хоризикл иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Аънамага кўра, ярмарка доирасида мамлакатимиз худудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Хоризикл ишбилармон доиралар вакиллари ушбу лойиҳалар катта истиқболга эга эканини таъкидлаб, уларга инвестиция киритишдан манфаатдорлигини билдирди.

«Cotton Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан, БМТнинг Саноатини ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) вакили Д.Лин, Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори К.Шиндлер, Хиндустон тўқимачилик саноати вакирининг ўринбосари З.Чаттержа, Швейцариянинг «Swiss Capital International AG» компанияси тасвиқсичи М.Вальдвюген ва бошқалар Ўзбекистон билан ҳамкорлик катта истиқболга эга эканини таъкидлади. Мамлакатимизда қўлаб инвестиция мукити яратилгани, тола ва ундан тайёрланган маҳсулотларни харид қилиш шартлари шакллантирилгани, маҳсулотларни етказиб бериш ва транспортировака қилиш кафолатлангани, мослашувчан нарх сисёати буида муким аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Исом Каримов раҳномалигида амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар бераётган юксак самаралардан экани кайд этилди.

Ярмарканинг дастлабки куниди Ўзбекистон пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиб олаётган мамлакатлар делегациялари билан бўлиб ўтган музокараларда юртимизнинг ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилари ҳамда ташқи савдо компаниялари вакиллари катнашди.

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Қонун лойиҳаси

муҳокамасида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи бошқа бандлар ҳам кўриб чиқилди.

Тadbиркорлар мулоқот форуми



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,

«XXI ASR»

лойиҳасини тақомиллаштиришдаги сазй-ҳаракатлари партия Сайловди платформасидаги муким вазифа, — тadbиркорлар манфаатини суд инстанцияларида самарали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ йўналтишлардан келиб чиқшини кайд этиш лозим.

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида белгиланган йўналтишлар тadbиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг янада мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақозо этмоқда, — деди форумда О'zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов. — Бугун муҳокама этиляётган қонун лойиҳаси ана шундай зарурат тудфайл ишлаб чиқилган.

— Бугунги тadbир О'zLiDeP фракцияси ва партия электорати вакиллари ўртасида қонун лойиҳаси юзасидан олиб бориляётган ишлар самардорлигини янада ошириш масаласида ўзига хос майдонга айланди, — дейди Олий Мақлис Қонунчилик палатаси депутатиди, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нодира Каримова. — Бу Қонунчилик палатасига киритилёган қонун лойиҳаларини тақомиллаштиришда сайловчилар эҳтиёжи ва талабини янада кенг эътиборга олиш имконини ҳам беради. Шу ўринда «Тadbиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш, қонунларнинг амалда янада самарали ижро этилиши ва энг мукими, одил судлов сифатини оширишга қўмақлашини ҳақида яқдил фикрга келдилар.

Маҳсулот сифати қатъий назоратда

◀ МТБҲОТ АНЖУМАНИ

Самарқанда «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови доирасида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент талаблари асосида Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан «Маҳсулотлар рақобатбардорлигини оширишда стандартлаштиришнинг роли» мавзуда брифинг ўтказилди.

— 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 28 та корхонада маҳсулотлар сифати юзасидан назорат тadbирлари ўтказдик, — деди тadbирда бошқарма бошлиғи Уктам Воҳидов. — Натияжа сифат даражаси текширилган 54 та маҳсулотдан 3 таси меъерий ҳужжатлар талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бундай камчиликлар учун маълумий жавобгарликка тортилган мутасаддиларга жами 4715,7 минг сўм миқдорда жарима солинди. Айни пайтда йўл қўйилган хатоларнинг олдини олиш мақсадида услубий ва профилактика ишларини кучайтиришга эътибор берилмоқда. Бунда тadbиркорларга ишлаб чиқариляётган маҳсулотнинг сифатига кўпроқ эътибор қаратиш юзасидан тегишли тавсиялар берилиб, «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида» ва бошқа қонунларнинг мазмун-моҳияти тушунтириляпти. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирокида сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тарғиб қилиш, уларга илмий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳам диққат марказимизда турибди. У.Воҳидовнинг таъкидлашича, айни пайтда тadbиркорлар томонидан ишлаб чиқариляётган маҳсулотларни синовдан ўтказиш учун юйлорда маҳсу лабораториялар ташкил этиш масаласи базавий лаборатория еки вилоят СЭС қошида маҳсу лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Тadbир ташкилотчиларининг айтишича, жорий йилнинг ўзида 91 та ташкилот Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси билан шартнома имзолаган бўлиб, уларнинг 51 таси халқаро даражадаги сертификат олган. Юксак технологиялар ёрдамида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда технологларнинг тажрибаси ўта муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, бошқарма томонидан ҳар бир корхонада стандарт соҳасида ишлайдиган маҳсулот ходим бўлиши талаби қўйилган.

Брифинг якунида инсон ҳаёти ва саломатлигига зарар келтирадиган маҳсулотлардан ҳимоялини мақсадида ОАВ билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истеъмолчилар учун ҳам, бошқарма учун ҳам бирдек фойдали экани кайд этилди.

Муҳаббат РАВШАНОВА.



Жамғарма талабни ўрганишга киришди

◀ ҚАРОР ВА ИЖРО

Авал хабар қилганимиздек, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ТИФ «Миллий банк» сингари нуфузли муассасалар томонидан маҳсул жамғарма тасис этилиб, мазкур тузилма зиммасига тadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада оширишга қўмақлашини, уларга ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий масалаларда ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Ўтган ҳафта ана шу тузилма Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган тadbиркорлар билан биринчи очик мулоқотини ўтказди. — Ўз маҳсулотини экспорт қилаётган ёки шу жараёнга тайёргарлик кўраётган ишбилармонлар билан ўтказилаётган учрашувлардан қўзланган асосий мақсад уларнинг фикр-мулохаза-

ташқиланган иш-режага кўра, ана шундай учрашувларнинг биринчиси пойтахт вилоятида ўтди. Шу кунгача эса Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд, сурхондарёлик тadbиркорлар билан мулоқотлар ўтказилиб, мутахассислар иштирокида уларнинг талаблари ўрганилмоқда.

Жамғарма мутахассисларининг фикрича, ўртча 100 нафарга яқин тadbиркор ва ишбилармонлар иштирок этаётган мулоқотларда асосий эътибор соҳага онд қонунчиликни бугунги кун талабларини асосида янада тақомиллаштириш, Президентимиз фармонлари ва қарорлари асосида яратиб берилган имконият ва имтиёزلарни кенг-роқ тарғиб этиш масалаларига қаратилмоқда.

Семинарда 300 нафардан ортиқ

ёшлар иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид янги қонунларни таҳлил қилдилар.

11 минг нафардан ортиқ

O'zLiDeP аъзосининг қарийб беш минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

СТМ фаолияти қандай натижа берапти?

ВАЗИЯТГА НАЗАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Агар тадбирлар мавзусини таҳлил этсак, унда асосий эътибор Юртбошимиз маърузалари, фармон ва қарорлари моҳиятидан келиб чиққанига, уларда белгилаб берилган услувор йўналишлар семинар-тренинг ва давра суҳбатларининг асосий предметига айланганини кўриш мумкин.

Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», «Ўзбекистон Республикаси ташки сийёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари депутатлик гуруҳи аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлари раислари учун уюштирилган ўқув-семинарларда бош мавзу бўлиб, иштирокчиларга уларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ таҳлил этиш имконини берди. Сўзгагарчон тиббиёт ва Самарқанд банк коллежларида эса «Ишбилармон талаба» лойиҳаси доирасида «Маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришда «Ёшлар қаноти»нинг роли ва вазифалари» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтида ташкил этилган мулоқотларда эса Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасидан келиб чиқадиган партиявий вазифалар ижроси партия масъул ходимлари, фаол талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида атрофлича муҳокама қилинди.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида Марказий банк вилоят бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Солиқ ва Божхона бошқармалари, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, партия фаоллари — тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда талабалар иштирокида оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари ва бу борада қонунийликни яратилган

имтиёзлар атрофлича кўриб чиқилди.

Шу ўринда СТМ қошида беш йилдан бери иш олиб бораётган «Ёш сийёсатчилар» клуби ёшлар фаолигини оширишга муносиб ҳисса қўнаётганини таъкидлаш жоиз. Клуб тадбирларида Президентимиз асарлари ёшлар томонидан муролаа қилиниб, улар юзасидан ўзаро фикр алмашилмоқда.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги Президент фармойиши асосида ҳам марказ томонидан қатор давра суҳбатлари, амалий семинарлар ўтказилди. Уларда партиянинг худудлардаги масъул ходимлари, депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари иштирок этиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти хусусидаги таҳлилий маълумотларни қиёсан ўргандилар. Тадбирлар якунида ҳуқуқий эксперимент жараёнида қўзғатилган айрим муаммолар юзасидан депутатларнинг иш янада чуқурроқ таҳлил этиш имконини берди. Сўзгагарчон тиббиёт ва Самарқанд банк коллежларида эса «Ишбилармон талаба» лойиҳаси доирасида «Маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришда «Ёшлар қаноти»нинг роли ва вазифалари» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

«Сийёсий таълим маркази» ўз фаолиятида ёшларга кўпроқ эътибор қаратаётганини, айниқса, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида урғу бераётганини таъкидлаш мумкин. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида «Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ тартип-таомилларни жадаллаштириш масалалари» мавзусидаги семинар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Унда халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари, Марказий банк вилоят бошқармаси, Савдо-саноат палатаси сингари ташкилот вакиллари, 300 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид янги қонунларни таҳлил қилдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашидаги «Сийёсий таълим маркази» ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сийқидилган бажариниши натижамоқда.

Бу эса ўз-ўзидан O'zLiDeP илгари сураётган ғоя ва мақсадларининг янада оммалашувиغا хизмат қилаётгани.

КОНЧИЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Навоий давлат қончилик институти (НДКИ) Марказий Осиёдаги металлургия, энергетика ва кимё sanoati муҳандислари тайёрловчи ягона олийгоҳ саналади. Яқинда халқ хўжалигининг турли тармоқларига малакали муҳандислар етиштириётган институт учун янги ўқув мажмуаси қурилиши бошланди. Жами 59,4 миллиард сўм маблағ сарфланиши мўлжалланган мажмуада икки минг нафар талаба таҳсил олади. Бу ерда бирутўла 3 та ўқув корпуси, катта мажлислар зали жойлашган маъмурий бино, 300 ўринли ахборот-ресурс маркази, 18х36 метр ўлчамдаги спорт зали, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган турли йўналишдаги махсус фан лабораториялари, ўқув полигони, талабалар ётоқхоналари ҳамда институтнинг профессор-ўқитувчилари учун турар-жойлар бунёд этилади. — Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бунёд этилаётган янги мажмуа баркамол авлод тарбиясига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир, — дейди НДКИ проректори Умид Костаев. — Бу эса жаҳон андозаларига мос, юқори билим ва салоҳиятга эга мутахассислар тайёрлашда профессор-ўқитувчиларимиз зиммасига ҳам жуда катта масъулия юклайди.

Мансур АСЛОНОВ.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Афлотун айтади:

— Дунёда энг ожив ва нотавон одам ўз сирини яшира олмайдиган кишидур. Агар киши ўз сирини асрай олмаса, ҳеч қандай дўст уни асрашга қодир эмас!

Пойтахтлик ёшлардан ўрнак олиш керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI аср»

— Буни иштирокчилар сони тобора кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2012 йил «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида 150 нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, бу йил улар сони 200 нафардан ошди. Икки кунлик ўқувлар давомида ёшларга бизнес-режа тузиш, кредит олиш ва уни расмийлаштириш тартиби ва солиқ имтиёзлари бўйича малакали мутахассислар томонидан маълумотлар берилди. Энг муҳими, лойиҳа якунида имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар олган 20 нафар битирувчининг 10 нафари 337 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Яна уч нафар иштирокчи ўз маблағи ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилди. Қолганлар эса айни пайтда тижорат банкларида тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмоқдалар.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг Мирзо Улугбек туман босқичида бизнес-режага хайёат аъзоларига маъқул келгач, лойиҳанинг Тошкент шаҳар кенгаши доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда қатнашдим, — дейди Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиси Сардоржон Эрназаров. — Ушбу ўқувларда тадбиркорлик борасидаги билимларимни мустаҳкамлашдан ташқари соҳанинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ўргандим. Натижада O'zLiDeP тавсияси асосида «Асака» банкнинг Тошкент шаҳар филиалидан 30 миллион сўм кредит олиб, хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Quality packet» МЧЖни ташкил этдим.

2012 йилда «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг туман босқичида 200 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этган бўлса, бу йил улар сони 300 нафарга етди. Уларнинг 30 нафари шаҳар босқичига йўланма олди, — дейди М.Хантова. — Пойтахт босқичида иштирок этганларнинг ижод намуналари янги йўналишлар билан бойланиш эътиборга молик, албатта. Жумладан, ҳозирги кунда тобора оммалашаётган қарвинг санъати, тайёр трикотаж маҳсулотлари-



Сониқ ЗОИР олган сурат

«Шаҳар босқичи доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда тадбиркорлик борасидаги билимларимни мустаҳкамлашдан ташқари соҳанинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ўргандим. Натижада O'zLiDeP тавсияси асосида «Асака» банкнинг Тошкент шаҳар филиалидан 30 миллион сўм кредит олиб, хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Quality packet» МЧЖни ташкил этдим».

га замонавий ишлов бериш намуналари ҳам намойиш этилди.

«Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида эса «Миллий парламентаризм ривожиди ёшларнинг ўрни» мавзусида ўтказилган учрашувларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари фаол қатнашгани тадбирлар таъсирчанлигини оширишда муҳим омил бўлди. Бу эса ёшларнинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига кенг жалб этиш, уларга қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, депутатлик гуруҳлари томонидан ташкил этилаётган муҳим тадбирлар, иштигувларда ёшларга оид масалаларни олиб чиқиш, истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтиришга замин яратади.

Шу ўринда O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими вазирилик, ташкилот ва бошка идоралар билан яқин ҳамкорлик ўрнатганини алоҳида таъкидлаш керак. Чунинчи, ўрта махсус, касб-

хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги 79 та касб-хунар коллежи ҳамда 40 та академик лицей билан бевосита алоқалар мустаҳкамланган. 2012-2013 ўқув йилида мазкур даргоҳларни 36 719 нафар ўқувчи битирган бўлса, 16 214 нафарининг бандлиги таъминлангани ҳам ана шу ҳамкорликнинг ўзига хос ўрни бор, дейиш мумкин. Зеро, партиявий лойиҳалар кўмагида тадбиркор бўлган талабалар ҳам ўз тенгдошлари учун янги иш ўринлари ҳам ташкил этмоқдалар.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ёлиби Севара Худойбергано-ва ана шундай ишжонатли ёшлардан бири. Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида тахсил олиш билан бирга ўз бизнесини йўлга қўйган Севара «Ипотека банк»дан 18 миллион сўм кредит олиб, «Sevaga UNIQUE» оилавий қорхонасини очди. Айни пайтда С.Худойбергано-ва етакчилик қилаётган қорхонада 18 нафар киз доимий иш билан таъминланган.

Бу, шубҳасиз, эзгу ният билан амалга оширилган ишнинг амалий натижасидир.

ҚУДЪДИЙ КЕНГАШАРДА

«Аёллар қаноти» аниқ ишларга қўл урмоқда

Маълумки, аёлларга бўлган муносабат, уларнинг жамиятдаги ўрни, мамлакат тараққиётидаги иштироки ва, албатта, ижтимоий муносабатларда эгаллаган мавқеи ана шу жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилайди

Зиёдулла МҶМИНОВ, «XXI аср»

O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Муяссар Жамолдиннованинг фикрича, мамлакатимиз аёллари учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва ваколатлар тадбиркорлик соҳасида ҳам салмоқли натижаларга асос бўлмоқда.

— Айни пайтда вилоятимизда 11 минг нафардан ортиқ O'zLiDeP аъзосининг қарийб беш минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади, дейди М.Жамолдиннова. — Сафимизда икки мингдан ортиқ тадбиркор опа-сингилмиз бор. Қўнлаб хотин-қизларимиз ўз томорқаларида дехқон хўжаликлари ташкил этиб, оилавий тад-

биркорлик билан шуғулланмоқдалар. Айни пайтда партияга аъзо бўлмаган аёлларимиз ҳам тадбирларимизда қатнашиб, назорат идоралари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари билан бизнес кўникмаларини эгаллашяпти. Йирик ишлаб чиқариш қорхонасини бошқараётган ёки юзлаб гектар ерга эгалик қилаётган аёллар эса ўз тажрибаларини оммалаштирмоқдалар.


Яқинда Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ҳамда бекободлик бир гуруҳ аёллар ташаббуси билан касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрларини тугатган ёшларни, вақтинча ишсиз бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлашда O'zLiDeP аъзоларининг иштироки масаласи кўриб чиқилиб, бу борада аниқ ишлар амалга оширилади бошлан-



ди. Вилоят кенгашида қўллаб-қувватланган ана шу ташаббус жойларда кенг тарғиб этиляпти. Қўн ўтмай, ушбу ташаббуснинг дастлабки натижаси ўларок, жойларда 100

га яқин янги иш ўрни яратилди. Янгийўллик Мамлакат Ибрагимова, бўқалик Шохид Мамадалиева, Қўйи чирчиқлик Сайёра Сулаймонова, зангиоталик Дилором

Мирзабоева каби ишжонатли хотин-қизларимиз шундай ташаббуслари билан жойларда партияимиз обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшишяпти.



«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қулай имкониятлар яратди



Таъсис йиғилишларида либерал-демократик гояларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилди.



Пискентда бир ярим мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатяпти

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

42 (518)-СОН, 2013 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Қонун «Шаҳноза Шалола»га имкон берди

2012 йили қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ўз моҳият-эътибори билан жойларда оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қулай имкониятлар яратди

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Концепциясида бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли уни юритишда юзага келган миллий анъаналаримиз, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши алоҳида таъкидланган эди.

O'ZLiDeP уставидан

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН БЎЛИШИ, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭҒА БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ, КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ КЕРАК.

Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи оилавий бизнесни жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Чунки бу иқтисодий жиҳатдан қулай ва манфаатлидир. «Шаҳноза Шалола» фаолияти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бу



ерда тайёрланаётган нон маҳсулотлари ҳаминша харидорғир. Ҳадемай, корхонада шарқона қандалатчилик маҳсулотлари ҳамда музқаймоқ ишлаб чиқариладиган цехлар ҳам фойдаланишга топширилади.

БПТ аъзолари партия Дастури ва Уставига қатъий амал қилган ҳолда маҳалла ва гузар-

ларда турли тадбирлар ўтказиб, уларда Олий Мажлис Қонунчи маҳаллий кенгашлари фаолияти ҳақида ҳам аҳолига кенг маълумот бериляптилар. Тадбиркор ва фермерлар, хусусий сектор вакилларига эса уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигини тушунтирмоқдалар.

БПТ фаоли Азиз Турсуновнинг таъкидлашича, жойларда мавжуд камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни ўз вақтида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан доимий комиссиялар йиғилишлари ёки сессиялар кун тартибига киритиш ҳам БПТнинг иш режасидан ўрин олган.



O'ZLiDeP Пискент тумани кенгаши Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этган навбатдаги давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

— Айни пайтда Пискентда бир ярим мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатяпти, — дейди туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари **З.Маҳмудова**. — Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолини иш билан таъминлашда ҳам уларнинг ўрни алоҳида. Шу боис бугунги тадбирда ҳам қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, уларда тадбиркор ва фермерлар учун яратиб берилаётган имтиёزلарни яна бир марта кўриб чиқдик. Тадбир якунида пискентлик тадбиркор ва фермерлар фаолияти таҳлил этилиб, уларнинг мавжуд имтиёз ва имкониятлардан қай даражада фойдаланаётганликлари мисоллар асосида кўриб чиқилди.

Зиёдулла МҶМИНОВ.

Биз ҳам четда турмаймиз

O'ZLiDeP Жиззах вилоят кенгаши мутасаддилари БПТлар сони 400 тага етганини маълум қилдилар. — Яқинда вилоят Хунармандлар уюшмаси ва Янгиобод туманидаги Хўжамушкент давлат ўрмон хўжалигида ҳам янги қуйи бўғин иш бошлади, — дейди вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари **А.Шаҳаров**. — O'ZLiDeP атрофида бирлашишдан мақсадимиз ижтимоий-сиёсий жараёнларда янада фаол қатнашишдан иборат, — деди биз билан суҳбатда Хунармандлар уюшмасида иш бошлаган БПТ раиси **Қамол Абдурахмонов**. Ўрмон хўжалигидаги бошланғич ташкилотга раисликка сайланган **Суннатулло Бойзоков** эса аҳоли фаровонлигини юксалтиришда O'ZLiDeP фракцияси аъзоларининг ташаббуси ва иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганлиги, ушбу партия сафида бўлишга ундаганини билдирди. Таъсис йиғилишларида либерал-демократик гояларни кенг тарғиб этиш, қабул қилинаётган қонунларга доир тақлиф ва таҳлилий материалларни тўплаш, саралаш ҳамда уларни юқори партия органига тақдим этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар БПТларнинг истиқболдаги режаларига ҳам киритилди. Уларнинг амалда таътиқ этилиши эса O'ZLiDeP нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ватан равнақига дахлдорлик

Қонунларга амал қилган ҳолда тежамкор, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчиларгина соғлом рақобат муҳитида самарали фаолият юрита оладилар

Ўз муҳбиримиз

Йиғирма икки йилдан буён ана шундай талаблар асосида иш олиб бораётган «Водий наслли парранда» хусусий корхонаси ҳам эл дастурхони тўқинлигига муносиб ҳисса қўшаётир. Масалан, ўтган йили корхонада қарийб 12 млн. дон тухум, 3,5 тонна гўшт тайёрлаб, 62 минг бош жўжа этиштирилди.

Эътиборли жиҳати — бу муваффақиятларда 10 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич ташкилот фаолларининг ҳам салмоқли улуши бор.

— Фарғона вилоятининг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Бешариқ туманида ҳам тадбиркорлик тобора ривожланимоқда, — дейди БПТ етакчиси **Азиз Турдалиев**. — Хусусий сектор учун яра-



тиб берилган имконият ва имтиёзлар тадбиркорлик субъектлари эришаётган натижаларга асос бўлмоқда.

Шу ўринда партия аъзоларининг саъй-ҳаракати билан жамоада турли кечалар, давра суҳбатлари ташкил этилаётгани, уларда истиқлол йил-

ларида амалга оширилган истиқлоллар, қабул қилинган қонунлар ҳақида батафсил маълумотлар берилаётганини таъкидлаш лозим.

— Партияимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунларида нок тугалланган технологик ишлаб чиқариш циклига эга,

тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хом ашёни тўлик қайта ишлайдиган корхоналар иқтисодиётимизда қатга улушга эга бўлиши керак деб ҳисоблайди, — дейди корхона раҳбари **Боҳиржон Турдалиев**. — Бу бежиз эмас, албатта. Таъбир жоиз бўлса, айнан ана шундай корхоналаргина иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу гап салкам чорак асрдан бери муваффақиятли иш юритиб келаётган корхонамизга ҳам тааллуқли, десам, ўйлайманки, ўринли бўлади.

— Партияимизнинг гоя ва мақсадлари биз, тадбиркорларнинг орзу-ниятларига ҳамоҳанг. O'ZLiDeP Устави ҳамда Дастури моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш асосида ана шу уйғунликка алоҳида урғу беришимиз, — дейди БПТ етакчиси. — Умуман олганда, қай соҳада, қандай шаклда бўлмасин, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиётига қамтарона ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Бошланғич ташкилот аъзолари эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, ўз фаолиятини янада кенгайтиришга интиляётганлиги ҳам партиянинг жойларда БПТлар фаолигини ошириш борасидаги кўрсатма ва қарорлари изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

БПТ фермерларни йиғди. Ва...



Китоб тумани Фермерлар кенгашида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Фермер хўжаликлари тараққиётининг истиқболли йўналишлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. — Фермерлар, соҳа мутахассислари, депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этган мулоқотда асосий эътибор қишлоқ мулкдорларининг экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига қаратилди, — дейди қуйи бўғин етакчиси **Вали Ваҳобов**. — Катнашчилар хом ашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича пухта ўйланган тақлиф-мулоҳазаларни билдирдилар. Улар сараланиб, энг муҳимлари O'ZLiDeP туман кенгашига тақдим этилди.

«Мамлакат қудрати — ҳамжихатликда»

Балиқчи туманидаги «ANTEXSGROUP» МЧЖда иш олиб бораётган қуйи бўғинда ана шу мавзуга бағишланган тадбир ўтказилди. — Унда 30 нафар маслакдошимиз, партия туман кенгаши вакиллари ҳамда депутатлик гуруҳи аъзолари қатнашди, — дейди БПТ раиси **Наргиза Ҳайдарова**. — Иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор» деган сўзлари ҳар бир ватандошимиз, хусусан, партиянинг ҳар бир аъзоси учун ҳаётий тамойиллардан бирига айланиб бораётганлиги, бу жараёни қўллаб-қувватлаш зарурати ҳақида сўз юритдилар.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 440 миллион сўм маблаг сарфланди.

«Асака» банк Фарғона вилоят филиали томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун эса 1,9 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди.

ХАБАРЛАР

УЧКУДУҚДА ЯНГИ КОРХОНА

Учкудук туманида ишчилар учун махсус оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Аюко Текст» хусусий корхонаси иш бошлади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга қаратилган алоҳида эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Учкудук туманини 2013-2015 йилларда комплекс ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларга асосан ташкил этилган мазкур кичик корхона ҳам соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасидир. Бу ерда йилга юз минг жуфт сифатли ишчи пойфазали тайёрланади.

Туман ҳудудидagi фойдаланилмай турган Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли бино тубдан таъмирланиб, ўрнида янги корхона фаолият кўрсата бошлади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 440 миллион сўм маблаг сарфланди.

— 250 миллион сўмлик банк кредити эвазига ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Дилшод Мусабоев. — Айни пайтда махсулотларни буюртма асосида саноат корхоналарига етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланмоқда. Замонавий тарзда жиҳозланган ва 15 нафар маҳаллий йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Н.РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири.

ЧИННИЛАРДА АКС ЭТГАН ҚУВОНЧ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасида миллий кулолчилик аъёнлари қайта тикланиб, ривож топаётди. Ҳунармандчиликни пухта ўрганиб, ажодлари ишини давом эттираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Улардан бири — оҳангарлик Суннатилла Хўжақелдиев сопол идишларга безак беришнинг ҳадисини олган. У жорий йилда «Сервис асл чинниси» хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйиб, турли хил чинни идишлар ҳамда чойнақлар ишлаб чиқара бошлади.

— Болалигимдан кулолчиликка, наққошликка қизиқман, — дейди С.Хўжақелдиев. — Бу ҳунарни дастлаб отамдан, кейин бошқа уста кулоллардан ўргандим. Айни пайтда устaxonамизда чойнақ, пилла, қоса, қўза ва бошқа уй-рўзгор буюмлари тайёрлашмоқда. Яқинда банкдан олинган кредит эвазига корхонага янги қолиплар олиб келиндим. Бу ишлаб чиқараётган махсулотлар сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири.

ШАҲРИСАБЗДАН — ТУРКИЯ ВА ШВЕЙЦАРИЯГА

«Oqsaroy textile» масъулияти чекланган жамиятида жорий йилнинг ўтган даврида 23 миллиард сўмликдан зиёд ип-калава ва трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарилди.

— 600 нафар ишчи-хизматчимизнинг асосий қисмини ёшлар, яъни Шаҳрисабз энгил саноат касб-ҳунар коллежини битирганлар ташкил этмоқда, — дейди тўқувчи Шохиста Халимова. — Қувонарлиси, бугун уларнинг юздан ортиги илгор тўқувчилар қаторидан жой олди. Ишлаб чиқариш дастгоҳларининг янгилашгани эса махсулот ҳажми ва сифатини оширишда кўл келаётди. 2012 йил Хитойдан 110 минг АҚШ доллари миқдоридagi замонавий ускуна олиб келинган, қадоклаш материаллари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Махсулотларимиз Туркия, Эрон, Швейцария, Россияга экспорт қилинмоқда. Жамият мутахассисларининг маълум қиллишича, йил охирига қадар Италияда ишлаб чиқарилган қиймати 375 минг АҚШ долларига тенг иккита қайта ўраш ускунаси келтирилади ва тайёрланаётган махсулот ҳажми 400 тоннага ошади.

Сайфулла ИКРОМОВ.

Сиз қайси банкни танлайсиз?

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган навбатдаги сўров натижалари Миллий банк, Халқ банки, «Агробанк», «Микрокредитбанк», «Ипотека банк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Саноат қурилиш банк»и, «Асака» банк, «Савдогарбанк», «Ҳамкорбанк» ва «Алоқабанк» фаолиятига ҳудудларда кўпроқ ишонч билдирилаётганини кўрсатди

Маълумки, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2011-2013 йиллар давомида жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш масалаларида изчил тадқиқотлар олиб бормоқда. Банк тизими фаолияти юзасидан олиб борилган тадқиқотлар эса ана шу даврда мазкур тизимнинг халқ фаровонлигини ошириш йўлида, тадбиркорлик соҳаси ҳамда онлайин бизнес, аёллар тадбиркорлиги, айниқса, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш борасидаги фаолиятига ҳолис баҳо бериш учун яна бир имконият яратди.

Шу ўринда ҳар бир социологик сўров натижалари матбуотда кенг ёритилаётгани банк тизими томонидан тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилган фаолият ҳақида жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиришга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Навбатдаги тадқиқот 2013 йилнинг ўтган 9 ойи якунлари юзасидан амалга оширилди. Ушбу социологик сўров «Онлайин бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли ва ишбилармонлик мухити вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри — сентябрь 2013» мавзусида юртимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари орасида ўтказилди.

«Шу банкнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?» саволига олинган жавобларда ижобий баҳо 98,5% ни ташкил этди ва шу билан бирга илгариги сўровларга нисбатан ижобий баҳо бераётганлар салмоғи ортиб бораётганлиги кузатилди. Ҳудудлар бўйича — Қоразониёстон Республикаси, Андижон, Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида тадбиркорларнинг мутлақ кўпчилиги банклар фаолиятига ижобий баҳо берди.

Банк фаолиятини мамнун-

ликни баҳолаш бўйича берилган саволларга, биринчи навбатда, «Банк ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан ва ҳушмуомалалик билан малакали бажарадилар» дея жавоб берилган бўлса, кейинги ўринларда «Маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади», «Омонатларини сақлаш бўйича бажариладиган барча амаллар ўз вақтида амалга оширилади», «Белгиланган тартибга тўла амал қилинади, қонун бузилишига йўл қўйилмайди» каби жавоблар билдирилди.

Сўровда иштирок этганларнинг 97 фоизи банкларда сақланаётган аҳоли омонатлари давлат томонидан тўлалигича қафолаб қўйилганлигидан хабардор эканликларини билдирилди.

Тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган истеъмол кредитлари ҳақида ўз фикрини билдирганларнинг ҳам кўпчилиги ижобий баҳони бермоқдалар. Сўралганларнинг асосий қисми тижорат банклари томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъмол кредитлари ажратиб тартибларини белгиловчи янги қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таниш эканликларини мамнунлик билан билдирилди.

Сўровда иштирок этганлар орасида кредит олиш учун бантқа мурожаат этган тадбиркорлар хиссаси 95,5 фоизга тенг бўлди. Яъни, тадбиркорларнинг банкларнинг кредитлари фаолиятини фойдаланишидаги фаолияти тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда бизнесни юритиш учун зарур бўладиган маблагни тадбиркорларнинг асосий қисми (97,5%) тижорат банкларидан олишни мақсадга мувофиқ деб кўрсатмоқдалар, яъни бу кўрсаткич йилдан-йилга яхшиланган бораётганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, республика Марказий банки мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ўтказиб келаётган учрашувларида мутахассислар томонидан кенг оммага содда, равои тилда ту-



Республика Марказий банки мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ўтказиб келаётган учрашувларида мутахассислар томонидан кенг оммага содда, равои тилда тушунтиришлар берилиши, иштирокчиларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб қайтарилиб, кўтариладиган масалаларни ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилиб келинаётганлигини респондентларнинг 98,5 фоизи алоҳида таъкидлаган.

шунтиришлар берилиши, иштирокчиларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб қайтарилиб, кўтариладиган масалаларни ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилиб келинаётганлигини респондентларнинг 98,5 фоизи алоҳида таъкидлаган.

Тадбиркорлик фаолияти давомида олган кредитдан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришганлиги ва кредитни қайтаришда ҳеч қандай қийинчиликларга учрамаганлигини билдирганлар хиссаси ҳам юқори (96,5 фоиз) бўлмоқда.

Мазкур ижобий кўрсаткич мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик мухити яратилганлиги, бизнес лойиҳаларнинг сифат жиҳатдан мукаммал ва пухта ишлаб чиқарилаётганлиги, кредитдан фойдаланиш давомида банк мутахассислари томонидан самарали мониторинг ўтказилаётганлиги билан изоҳланади.

«Ижтимоий фикр» маркази сўрови натижалари шундан далолат берадики, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида банк-молия тизими томонидан яратилаётган қулай ишбилармон-

лик мухити, Ўзбекистон банк тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, хусусан, онлайин бизнес, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида олиб бораётган фаолиятига тадбиркорлик соҳаси вакиллари катта қизиқиш билан қарамокдалар.

Сўровда иштирок этганлар томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, замонавий ва қулай банк хизматларини кенг жорий этиш, жойларда мунтазам равишда тадбиркорлар билан амалий учрашувларни ўтказиб бориш ва бошқа қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди.

Реклама ўрнида

Кичик бизнесга — катта сармоялар



«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 24,1 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилиб, шу ҳисобидан 420 та янги иш ўрни ташкил этилди

Шаҳзод НАЗАРОВ,
«XXI asr»

Бундай кўрсаткич банк жамоасининг вилоятда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган хайрли ишларда фаол қатнашаётганидан далолатдир. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига филиал томонидан иқтисодийнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 124,2 млрд. сўмни ташкил қилгани маълум қилинмоқда. Ана шу маблагнинг 83,4 фоизи узок муددатли кредитлар хиссасига тўғри келяпти.

Таъкидлаш жоиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Шу боис соҳага ажратилаётган кредитлар салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бораётди.

— Фарғона шаҳри ва қўшни туман

аҳолиси узовини яқин қилиш мақсадида «ISUZU» русумли автобусларни сотиб олиш учун «Асака» банк Фарғона вилоят филиалига мурожаат этдик, — дейди «Фарғона Олтин Водий Навқари» МЧЖ раҳбари Валерий Убайдуллаев. — Банк мутахассислари мурожаатимизни қисқа фурсатда қўриб чиқиб, лойиҳамизни молиялаштиришга қарор қилдилар. Натيجада 80 килини иш билан таъминланган муваффақ бўлдик.

— Президентимизнинг 2011 йил 15 ноябрдаги «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва 2012 йилда Фарғона вилоятида иқтисодий очор, зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга асосан «Асака» банк кредитлари ҳисобига Фарғона шаҳридаги «Дўстлик-Фарғо-

на» мехмонхонасининг бино ва иншоотлари қайта реконструкция қилиниб, 400 ўринли ёзи ва киши умумий овқатланish шохобчаси ҳамда замонавий мехмонхона бунёд этилди, — дейди «Гарри Пирамида» хусусий корхонаси раҳбари Хошимжон Шарофиддинов. — Реконструкция ишлари якунланган, корхонамизда 40 га яқин янги иш ўрни яратилди. Шундан 10 тасига коллеж битирувчилари ишга олинди.

Маълумки, бугунга келиб бутун дунёда сифатли озик-овқат махсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу боис тижорат банклари томонидан озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. «Асака» банк Фарғона вилоят филиали томонидан ҳам паррандачиликни ривожлантириш, туҳум ва гўшт маҳсулотларини қўлайитириш, ускуналар сотиб олиш мақсадида 979,5 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Банк эътиборидан ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масалалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Жорий йил-

нинг ўтган даврида ана шу мақсадларга 7,9 млрд. сўм кредит ажратилди.

Шу ўринда мазкур нуфузли банк миқозлари орасида тадбиркорлик билан шуғуллашаётган она-сингилларимиз кўпчилигини ташкил этаётганлиги таъкидлаш мумкин. Улар фаолиятини янада ривожлантириш учун эса банк молиявий қўмағини аямапти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида аёллар тадбиркорлиги учун 3,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилган бунга мисол бўла олади.

Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун эса 1,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар йўналтирилди. Банк филиали томонидан тадбиркорлик учун 1,7 млрд. сўмдан ортик микрокредитлар ажратилгани ҳам эътиборга молик.

Қисқаси, «Асака» банкнинг Фарғона вилоят филиали томонидан йўналтирилаётган сармоялар иқтисодийнинг муҳим тармоқларини ривожлантириб, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётди.



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

**Халқимиз ва
юртимиз
меҳмонларини
дилларга
меҳр-мурувват,
ҳамжиҳатлик
туйғуларини
олиб кирувчи
муборак
Қурбон ҳайити
билан самимий
қутлайди.
Барчангизга
сиҳат-саломатлик,
оилавий
хотиржамлик,
дастурхон
тўкинлигини
тилаб қоламиз!**



Ўзбекистон миллий терма жамоаси

«Осиё Кубоги-2015» саралаш баҳслар доирасидаги икки учрашувини ноябрь ойида ўтказида.

Улар ишончни оқлашди

2015 йилги Осиё кубоги саралаш баҳсларининг навбатдаги турида Вьетнам терма жамоаси билан беллашган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 3:1 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритди



Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI asr»

Тараф этишга уринган Вьетнам миллий терма жамоаси ҳимоячиси Ду Ван Хоан тўпни ўз дарвозасига жойлаб қўйди. Аммо учрашувнинг 78-дақиқасида футболчиларимизнинг хужумга берилиб кетганларидан фойдаланган мекхонлар тўпурари Нгуен Хоанг хисобини қисқартирди. Буида дарвозабонимиз Элдор Суёнов рақибларнинг биринчи зарбасини қайтарган бўлса-да, иккинчи уринишни бартараф этга олмади. Уйин туғашига бир неча дақиқа қолганида терма жамоа сафидаги дастлабки голини

пишонлаган «Пахтакор»нинг 20 яшар хужумчиси Игорь Сергеев хисобни 3:1 га етказди.

— Дарҳақиқат биринчи бўлимда ўйинимиз умуман қовушмади. Бирок танлафуддан кейин захирадан майдонга тушган ёшларимиз уларга билдирилган ишончни оқлаб, жамоа олдига қўйилган вазифани бажаришга муҳим ҳисса қўшдилар. — деди учрашувдан сўнг миллий терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Элдор Суёнов ёмон ҳаракат қилмади. Ўтказиб юборилган голда ҳам унинг айби йўқ, деб ўйлайман. Бу вазиятда ҳимоячилар унга ёрдамга етиб келишлари керак эди...

Ўз навбатида, 15 октябрь куни Тошкентдаги учрашув билан параллель равишда бўлиб ўтган Гонконг ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари иштирокидаги ўйин амирлик футболчиларининг 4:0 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланганини айтиш лозим. Бу эса ҳисобидаги оқолари сонини тўққизтага етказган БАА жамоаси гуруҳ баҳсларининг биринчи даврасини юз фоизлик натижа билан яқунлаб, пешқадамликни мустаҳкамлаб олди, дегани. Умид қиламизки, бундан тўғри хулоса чиқарган футболчиларимиз кейинги ўйинларда ҳам зафар қўчиб, гуруҳдаги мавқелини яхшилайдилар.

Эслатиб ўтгани лозим: Ўзбекистон миллий терма жамоаси «Осиё Кубоги-2015» саралаш баҳслар доирасидаги навбатдаги икки учрашувини ноябрь ойида ўтказида. Жумладан, вакилларимиз 15-санада яна Вьетнам, 19 ноябрь куни эса Гонконг терма жамоасига қарши тўп сурадилар. Хар иккала ўйин ҳам сафарда ўтказилди.

**«ОК-2015» саралаш баҳслари.
«Е» гуруҳидаги вазият**

	Ў	Ю	Д	М	Т-н	О
1. БАА	3	3	0	0	8-2	9
2. Ўзбекистон	3	1	1	1	4-3	4
3. Гонконг	3	1	1	1	1-4	4
4. Вьетнам	3	0	0	3	2-6	0

Ўсмирларимиз — ФУЖАЙРАДА

Бугун БААда футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидаги старт берилди. Аввал хабар бериб ўтилганидек, 17 ёшгача бўлган ёшлардан таркиб топанг дунёнинг энг кучли 24 та терма жамоаси иштирокида бўлиб ўтадиган мазкур мусобақада юртимиз шарафини ўтган йили Осиё чемпионлигини қўлга киритган Дилшод Нуралиев мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳимоя қилади. Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизматининг хабар беришича, қуръага мувофиқ, кичик жаҳон чемпионатининг «С» гуруҳидан ўрин олган терма жамоамиз 14 октябрь куни БААнинг Фужайра шаҳрига етиб борди. «Сопсгоде» мекхонхонасига жойлашган ёш футболчиларимиз айна пайтда бўлажак ўйинларга қизгин тайёргарлик кўрмокдалар. Таъкидлаш жоиз: мазкур чемпионатнинг ярим финалига қадар етиб боришни мақсад қилган Д.Нуралиев шогирдлари биринчи учрашувда эртага Панама терма жамоасига қарши тўп сурадилар. 21 ва 24 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги ўйинларда эса ўсмирларимиз марокшаллик ва хорватиялик тенгдошларига рўбарў бўладилар.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 17-24 октябрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, кейинги ҳафтани бошида баъзи жойларда ёмғир ёгиши кутилмоқда. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, 21 октябрда унинг тезлиги 15-20 м/сгача кучаяди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 18 октябрда кечаси 3-8, 19-21 октябрь кунлари 7-12 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқдан 10-15 даража илиққача пасаяди. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 8-13 даража илик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 9-14 даража илик, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр миллилари кечаси 7-12 даража илик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 8-13 даража илик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат 18 октябрда 0-5, кундузи 10-15 даража илик, 19-21 октябрь кунлари эса кечаси 3-8, кундузи 13-18 даража илик бўлиши кутилмоқда.



ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР



ОҲАНГАРОНДА МАМОНТ ТОПИЛДИ

Тошкент вилоятида археологик қидирув ишлари олиб бораётган экспедиция аъзолари бундан минг йиллар аввал қирилиб кетган, филлар оиласига мансуб бўлган мамонт қолдиқларини топди, деб ёзади 12news.uz сайти. Хабарларга кўра, олимлар юртимиз тарихида биринчи марта топилган бу турдаги топилмага Оҳангароннинг жануби-ғарбида, шаҳардан 20 километр узоқликда жойлашган Овжасой қишлоғи яқинида дуч келганлар. Экспедиция аъзоси Фарида Аметованинг таъкидлашича, асрлар давомида ер бағрида «яшириниб» ётган мамонтнинг дандон ва оддий тишлари шу йил баҳорда рўй берган кучли сел оқибатида очилиб қолган. — Бу қолдиқлар линзасимон лойли тоғ жинслари билан қоплангани учун ҳам яхши сақланган, — дейди Ф.Аметова. — Сел мамонт тишларининг бир қисмини ер юзасига чиқарган, ҳолос. Тахминини эса, жониворнинг боши ва танаси Овжасой ўзанининг чап тарафида, катта жарлик остида қолиб кетган. Маълум бўлишича, экспедиция аъзолари аввал мамонт тишларини қайта тиклаганларидан кейин жонивор танасини қавлашга киришадилар. Мутахассисларнинг фикрича, бир пайтлар катта дарё бўлиб оққан Овжасой ҳавзасида мамонтларнинг қабристонини жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Ш.ХЎЖАЕВ тайёрлади.

- Болалар кунига 400 марта кулса, катталарда бу кўрсаткич атиги 15 марта ташкил этади.
- 5 кишидан 2 нафари ўзининг биринчи муҳаббати билан турмуш қуради.
- Дунёдаги энг паст бўйли одамлар японлар бўлса, голландияликлар энг баланд бўйли деб ҳисобланади.
- Англияликлар дунёда энг кўп чой ичадиган миллатдир. Масалан, улар америкаликларга нисбатан 20 баробар кўп чой истеъмол қиладилар.
- Инсон умри давомида Ернинг 5 экваторига тенг масофани босиб ўтади.
- Инсоннинг интеллектуал салоҳияти қанча юқори бўлса, унинг сочларида мис ва рух моддалари шунча кўп бўлади.
- Инсон ўртача 7 дақиқа ичида ўйгуча кетади.
- Гўдақлар ҳаётининг илк 3 ойида кўз ёшиқиз йиғлайди.
- Дунёда тахминан 365 миллион кишида компьютер бор, лекин Ер кўраси аҳолисининг ярми телефонни ҳеч қачон кўрмаган ва ишлатмаган.
- Сиз таваллуд кунингизни ўртача 9 миллион киши билан бир кунда нишонлайсиз.

Эълон
Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан 2006 йил 30 майда Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, «Исломобод-2»да истиқомат қилувчи Джаббаровна Гулчехра Рустамовна номига мазкур турар-жой учун берилган «Кўчмас мулк кадастри иши» йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Реклама

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Реклама

«NAVOIYAZOT»
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ОРАСИДА ЕТАКЧИЛАРДАН ҲИСОБЛАНГАН «NAVOIYAZOT» ОАЖ

2013 ЙИЛ 29 ОКТЯБРЬ-2 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН VII ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Ўзкимёсаноат» ДАК стөндидан корхонамизда ишлаб чиқарилётган аънаввий ҳамда янги маҳсулот намуналари жой олади Сизларни ҳамкорларимиз қаторида кўришдан мамнун бўламиз!

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5,
Факс: (+99879) 223-75-80. Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99,
e-mail: market@navoiyazot.uz
СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-21-68,
e-mail: sale@navoiyazot.uz

www.navoiyazot.uz

XASR
ЎТМОИY-SIYOSIY GAZETA

ТАҲРИРКОРЛАР ВА ИШБИКАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHI

ТАХРИРИЯТ: Темур АБДУРАХМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳноз НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Ориф УЛМАСОВ, Янгибоя ҚЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Қўлб. л.т. — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва тахлил, хатлар ва илҳомлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реclама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона — 215-63-80 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нухус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXlasr@yandex.com, XXI_ASR@mail.ru

© XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят қўчма назардан фарқ қилиши мумкин

«Ўзбекистон» НМИУ Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. ЎЗБЕКИСТОН Республикаси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилеомонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий гезетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган

Бўғимла рақами: J 8295 Тираж: 16216
Бахори: келишилган нархда
Топширилди 20.00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбегчилар Ш.ХЎЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.